


Шерободда Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти юзасидан ўқув-семинар ўтказилди



Унда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимлари ва суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ҳамда тумандаги барча корхона ва ташкилот раҳбар ва ўринбосарлари, шунингдек, маҳалла раислари ва бошқалар қатнашишди.

Ушбу ўқув-семинар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-67-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг тегишли хатига асосан ташкил этилди.